

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 631.16.001.58.(575.1)

ТОШБОЕВ БЕКЗОД МУРОТАЛИЕВИЧ

**Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда
ижтимоий хизматларни такомиллаштириш
йўллари**

Ихтисослик: 5А 230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар
бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Ў.Д.Ражабов

Термиз - 2014

Мундарижа:

Кириш	3-7
I боб. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий хизматлар соҳасининг назарий асослари ва иқтисодий аҳамияти .8-28	
1.1. Ижтимоий хизматлар соҳаси ривожланишининг назарий асослари.....	8-14
1.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ижтимоий хизматларнинг таъсири.....	14-20
1.3. Ижтимоий хизматларнинг турлари ва тузилиши	20-26
Биринчи боб бўйича хулосалар	27-28
II боб. Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолати ва кўрсаткичлари	29-53
2.1. Ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари.....	29-34
2.2. Ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари.....	34-46
2.3. Ижтимоий соҳани тараққий эттириш механизми асосида аҳолини сифатий ривожлантириш йўллари.....	46-51
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	51-53
III боб. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	54-71
3.1. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг ошишига таъсир этувчи омиллар.....	54-59
3.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш инсон омили ривожланишининг муҳим омили сифатида.....	59-64
3.3. Ижтимоий хизматлар мажмуи ривожланишининг асосий йўналишлари.....	64-68
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	68-71
Хулоса	71-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74-78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир мамлакатнинг ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ўз олдига қўйган пировард мақсади бу мамлакат фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш ва келажак тараққиёти учун замин яратишдир.

Ушбу мақсад аҳоли яшаш турмуш шароитларининг яхшиланиши таълим, соғлиқни сақлаш, маданий - маиший ва бошқа шу каби ижтимоий хизматларнинг амал қилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ёхуд замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг муносиб турмуш тарзи ва фаровонлигини таъминлаш кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар хиссасига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий хизматларнинг барқарорлиги мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланганлиги ва иқтисодий функцияларнинг бажарилаётганини англатади. Шундай экан, ҳар қандай давлат учун аҳолини уларни эҳтиёжини қондириш учун зарур, қулай ва сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш муаммоларини бартараф этиш ва унинг самарадорлигини ошириш вазифалари куннинг долзарб масалалари бўлиб келган. Айниқса, мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиши ва аҳоли манфаатларининг устун қўйилиши бу масалани янада кун тартибига қўймоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда давлатнинг олиб бораётган ижтимоий сиёсатини рўйёбга чиқариш айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий хизматларнинг аҳоли турмуш

фаровонлигига нақадар кучли таъсир этиши ҳақида тўхталиб: “.....“Соғлом бола йили” дастури таркибида , аввало, йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажратиладиган маблағ бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни туғдириб бериш бўладими-буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан, равшан албатта”¹, - деб таъкидлаган эдилар.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш фаровонлигини оширишда ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб берилдики, бу аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда кечаётган чуқур ва кўп қиррали жараёнларни тадқиқ этишга ундайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ижтимоий хизматлар соҳасинингривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Б.А.Абдурашидов, А.В.Вахабов, К.С.Саидов, Г.К.Саидова, Х.П.Абулқосимов, А.Солиев, Х.Хўжахонов, М.Х.Саидов, Г.А.Қосимова, Зияев Т.М, Юсупов Р.А, Мажидов Н.М, Ражабов Ў.Д. ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.²

Мазкур олимлар ишларининг аксариятида ижтимоий хизматларнинг умумназарий жиҳатларини тадқиқ этишга эътибор берилган. Аҳоли турмуш

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилidir.-Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б. 44-45.

² Абдурашидов Б.А. Сфера обслуживания в условиях рыночной экономики. –Т.: Узбекистан, 1992. –167 с.; Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. -Т.: Шарқ, 2003. – 320 б.; Саидов К.С. ва бошқалар. Социал иқтисодиёт. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –365 б.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: Молия, 2005. - 224 б.; Солиев А., Хўжахонов Х. Ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби ва аудити. –Т.: Мехнат, 1999. - 256 б.; Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. – Т.: Молия, 2002. – 368 б.; Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сисъатининг роли. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. -Т.: ТДИУ, 2001. – 25 б. Зияев Т.М, Юсупов Р.А. ва бошқалар Ижтимоий сектор иқтисодиёти –Т.: “ТДИУ”. 2006. - 82 б. Мажидов Н.М. Ўзбекистон республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислох қилиш. . и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. -Т.: ЎзМУ, 2003. – 24 б. Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари: Автореф. дис. ... и.ф.н.- Т.: ЎзМУ, 2008, - 26б.;

фаровонлигини оширишдаги ижтимоий хизматларнинг ўрни етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу эса ушбу мавзунинг тадқиқот йўналиши сифатида белгиланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли турмуш даражасининг ошишида ижтимоий хизматлар соҳаси фаолиятини такомиллашувига қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ижтимоий хизматлар соҳасининг назарий асосларини умумлаштириш;
- аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ижтимоий хизматларнинг таъсирини ўрганиш;
- ижтимоий хизматларнинг турларини аниқлаш ва гуруҳлаш;
- ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- ижтимоий хизматлар соҳаси ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- аҳоли турмуш даражаси ва унинг ошишига таъсир этувчи омилларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш инсон омили ривожланишининг муҳим омили сифатида эканлигини аниқлаш;
- ижтимоий хизматлар мажмуи ривожланишининг устувор йўналишларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ижтимоий хизматлар соҳаси ва уларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат корхоналар танланди.

Тадқиқотнинг предмети ислохотларни чуқурлаштириш даврида аҳоли турмуш даражасини оширишда ижтимоий хизматлар мажмуини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертацияни ёзиш жараёнида иқтисодий

таҳлил, илмий абстракция, индукция ва дедукция, солиштирма таҳлил, тизимли ёндашув ва статистик гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Аҳоли турмуш даражасини оширишда ижтимоий хизматлар мажмуини ривожлантириш ҳисобига мустаҳкамлаш масалаларини такомиллаштиришга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда ушбу тизимнинг яқин истиқболда барқарор суръатларда ривожланишини таъминлашига хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий хизматлар соҳасининг назарий асослари умумлаштирилган;
- аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ижтимоий хизматларнинг таъсири ўрганилган;
- ижтимоий хизматларнинг турлари ва тузилиши аниқланган;
 - ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари ўрганилган;
 - ижтимоий хизматлар соҳаси ривожланишининг тенденциялари таҳлил қилинган;
 - аҳоли турмуш даражаси ва унинг ошишига таъсир этувчи омилларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;
 - аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш инсон омили ривожланишининг муҳим омили сифатида эканлиги аниқланган;
 - ижтимоий хизматлар мажмуи ривожланишининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан ижтимоий хизматлар соҳасини бошқариш ва тартибга солиш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини ташкиллаштириш, олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси” ва “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг асосий ғоялари ва натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза сифатида баён қилинган ва маъқулланган: “Саноат тармоқларининг инновацион ривожланиши: муаммо ва ечимлар” (Тошкент, 2013), “Магистрларнинг илмий мақолалар тўплами” (Термиз, 2014), “Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш йўллари” (Термиз, 2014).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда диссертация таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 73 бетни ташкил қилади. Ишда 8 та жадвал, 4 та расм келтирилган.

I боб. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий хизматлар соҳасининг назарий асослари ва иқтисодий аҳамияти

1.1. Ижтимоий хизматлар соҳаси ривожланишининг назарий асослари

Халқаро тажрибадан ҳам маълумки, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш одатда қуйидаги уч соҳага бўлинади: бирламчи соҳа - ресурсларни қазиб олиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш; иккиламчи соҳа - шу ресурсларни ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳосил қилиш билан шуғулланади ва учинчи соҳа - том маънода хизмат кўрсатиш. Аҳолига турли хизматлар кўрсатиш демакдир.

Фан - техника тараққиёти иккинчи соҳани гарчи сустроқ қисқартираётган бўлса, бирламчи соҳа салмоғини кескин қисқартириб юбормоқда. Аксинча учинчи соҳа тез кенгайиши кузатилмоқда ва янги-янги хизмат турларининг шаклланиши билан ифодаланмоқда. Жумладан, жамият тараққиёти ва инсон капиталини ривожлантириш зарурияти ҳамда аҳолида замонавий талабларнинг шаклланиши ижтимоий хизматларнинг шаклланишига ва ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий хизматлар соҳаси бугунги кунда, замонавий шароитларда миллий иқтисодиётнинг бажарувчи тармоқларини ўз ичига олиб, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми, аҳолининг ўзига хос ижтимоий-маданий, моддий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатадиган муҳим соҳа бўлиб, у иқтисодиётнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти, ижтимоий туризм ва бошқа кўплаб тармоқларини ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар соҳасининг иқтисодий роли ғоят муҳим ҳисобланиб, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида аҳолига маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган тармоқлар, тармоқ бўғинлари ва фаолият турларининг мажмуасидир. Ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш,

турмуш даражасини ошириш ва қулай шарт-шароитларни таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилади.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёти даражасини оширишга, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда ижтимоий хизматлар соҳаси муҳим ўрин тутди. Фикримизча, ижтимоий хизматлар соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, ишчи кучининг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради, инсонлар ҳаётини мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча қатламлари ҳаёт манфаатларини юзага чиқаради.

Ижтимоий хизматларни Бернар И. ва Колли Ж.лар изоҳли-иқтисодий ва молиявий луғатида қўйидагича таърифлайди: “Бирор бир мулкка мулк ҳуқуқини бермасдан индивидуал ва жамоа эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашишдир”.³

Саидов М.Х, Насриев И.И. ва бошқалар томонидан тузилган “Ижтимоий ҳимоя атамалар изоҳли луғати”да, ижтимоий соҳа – ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаси, унда хилма-хил ижтимоий манфаатлар ва ижтимоий субъектларнинг муносабатлари амалга ошади, шахснинг ижтимоий шаклланиши юз беради; шу билан бир вақтда ижтимоий неъматлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишда банд бўлган кишилар фаолиятининг соҳаси “ижтимоий соҳа” ўз мазмун ифодасига кўра “ижтимоий муносабатлар” маъносида анча кенг, чунки моддий негиз ва ижтимоий муносабатларни амалга оширувчи кишиларни қамраб олади.⁴

З.Йўлдошевнинг фикрича, “Ижтимоий соҳа аҳолининг ўзига хос бўлган интилиши ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун турли – туман хизмат кўрсатадиган муҳим тармоқлар йиғиндисидир”.⁵ Шунингдек, Н.Тўхлиев раҳбарлигида ёзилган рисолада ушбу таъриф янада кенгайтирилиб,

³ Бернар И, Колли Ж. Толковый-экономический и финансовый словарь. В 2т./ Пер. фр. М.: Международные отношения, 2004, Т2. –Б.522.

⁴ Саидов М.Х, Насриев И.И. ва бошқалар Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати.-Т: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007.-Б.148.

⁵ Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: “Молия”, 2004.-Б. 104.

ижтимоий маданий тармоқлар мажмуаси аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фаолият турлари мажмуидан иборат бўлиб, улар жумласига таълим, маданият, соғлиқни сақлаш жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқалар киради. Ушбу хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш натижасида маънавий бой ва жисмоний соғлом кишиларни шакллантириш имконияти кенгайди дейилади.⁶

Г.Қосимова ижтимоий соҳа – аҳоли турмуш тарзи, халқ фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар, муассасалар ва ташкилотлар мажмуи эканлиги, ижтимоий соҳага таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, спорт, жисмоний тарбия ва бошқалар киришини таърифлайди.⁷

Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамиятга молик томони шундаки, ушбу хизматни тақдим этишдан аҳолининг маълум бир эҳтиёжи қондирилиб, меҳнат жараёнида унинг натижаси намоён бўлади. Шу билан бирга хизматга бўлган буюртма ва унинг бажарилиши бир вақтнинг ўзида амалга ошади ва хизмат кўрсатувчи субъект истеъмолчи билан бевосита мулоқотда бўлиши, талабни ўрганиши ва керакли хулоса чиқариши мумкин бўлади.

Жамият ижтимоий тараққиётининг ўсиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши, илмий-техника тараққиёти ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши номоддий неъматларга эҳтиёжнинг ўсишига олиб келади. Таълим, тиббий, маданий-маиший, ахборот ва коммуникация хизматларига эҳтиёж сезилади. Бундай хизматлар кейинги вақтларда иқтисодий муносабатлар тизимида алоҳида соҳани ташкил этапти.

⁶ Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодий асослари -Т.: “Ўзб. Миллий Энцикл”. 2006. -Б. 109.

⁷ Қосимова Г. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда давлат харидининг аҳамияти// Молия ва бюджет.- Тошкент, 2011. -№1

Айтиш жоизки, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва унинг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни жамият иқтисодий тараққиёти даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Америкалик Маркетолог Филип Котлер бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган моддий кўринишда бўлмаган ва нимагадир эга бўлишга олиб келадиган ҳар қандай фаолиятни хизмат кўрсатиш деб ҳисоблаган. Шуниси эътиборга лойикки, кўрсатилаётган турли хил хизматларни такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олувчи йиғма умумлашма категория сифатида тавсифлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами кенгайиб бориши аҳоли эҳтиёжларининг ортиши билан тавсифланади. Шунингдек, қондирилган ҳар бир эҳтиёж янғисининг шаклланишига имкон яратади.

Ривожланган бозор муносабатлари тизимида ижтимоий хизматларнинг ҳамма боплиги ва унга мос инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, аҳоли турмуш даражаси ўсиши, вақтнинг тежалиши пировард натижада жамият фаровонлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагилар орқали аниқланади:

Биринчидан, моддий ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишга ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Иккинчидан, қишлоқ аҳолисининг фаровонлик даражаси шаҳар аҳолисиникига тенглашишида муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, аҳолининг давлат бошқарувига бўлган ижтимоий эҳтиёжларини ва хавфсизлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, иш графиги эгилувчанлиги, ишнинг мавсумийлиги, уйда ишларни бажариш мумкинлиги ва ҳаммабоплиги сабабли ёшлар, аёллар, нафақадагилар, ногиронларни иқтисодий фаолиятга чорлайди.

Бешинчидан, меҳнат ресурслари сифатини ва рақобатбардошлигини оширишга кўмак бериб, аҳоли саводхонлигини таъминлаш, соғлигини сақлаш, миллий маданият ва қадриятларни тиклашга олиб келадиган соҳаларнинг фаоллашувига ёрдам беради.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолияти мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб моддий хизматлардан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- ижтимоий хизматларни ташкил этиш оддий хизматларга нисбатан узок вақтни ўз ичига олиши мумкин;

- амалда ижтимоий хизматлар доираси давлат томонидан кўпроқ ҳимоя қилинади. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот анъанавий тарзда жуда кўп мамлакатларда қисман давлат тасарруфида ёки давлат томонидан қаттиқ назорат қилинади;

- ҳамма ижтимоий хизматларни ҳам товарга ўхшатиб халқаро хўжалик оборотига кенг жалб этиб бўлмайди. Жумладан, шахсий истеъмолни қондирадиган коммунал, маиший хизматларни кўрсатиш мумкин;

- айрим хизматлардан аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари имтиёзли фойдаланишга имкон беради. Давлатнинг имтиёзли ва бепул хизматлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади;

- кўрсатилаётган хизматлар турли-туман бўлиб уларга бир хил ёки универсал таъриф бериб бўлмайди;

- ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини жойлаштиришда табиий омил моддий ишлаб чиқаришдагидек, аҳамиятга эга эмас. Бунда кўпроқ ижтимоий омиллар муҳим аҳамият касб этади;

- ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси молиялаштириш жиҳатидан ҳам фарқланиб, айрим хизмат турлари бюджет асосида ва ҳомийлар ҳисобига амалга оширилади;

- ижтимоий хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар сонининг кўплиги, ресурслар ва бошқарув тизимининг мураккаблиги, иш фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга моликлиги ишни ташкил қилиш ва бошқаришда маълум бир кўникма ва маълумотларни талаб қилади.

Моддий характерга эга бўлмаган ижтимоий хизматлар – таълим, тиббий хизматлар, маданият ва маиший каби соҳалар истеъмол қийматга эгаллиги билан тавсифланади. Чунки истеъмол қиймат бўлиш учун маҳсулот, албатта нарса буюм бўлиши шарт эмас. Жумладан, ижтимоий таъминот хизматлари товар хисобланиб, у ижтимоий ҳимоядир. У мамлакат ривожини барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли даромадларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ижтимоий ва маданий эҳтиёжларининг ўсиши, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланишига тўртки бўлди ва чамбарчас равишда мамлакатнинг иқтисодий ўсишида сезиларли таъсир кўрсатади. Бу соҳаларнинг махсусланиши, йириклашиши, янги тармоқларининг ташкил топиши иқтисодиётни бойитган ҳолда ишлаб чиқариш даражасининг ўсишини таъминламоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини шакллантирмай туриб, ривожланган бозор иқтисодиётини қуриш қийин кечади. Шу боис бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасининг аҳамияти янада ошади. Чунки, моддий ишлаб чиқариш соҳалари самарадорлигини ошириш билан бирга, инсон омилининг ўсишига ва меҳнат унумдорлигининг ошишида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, соҳа бўйича янги шахобчаларни ишга тушириш меҳнаткашларнинг бир маромда ишлашларини таъминлаш

хамда келгуси 5-10 йил давомида ижтимоий сиёсатнинг самарасини ошириб бориш орқали бу соҳаларда юқори натижаларга эришиш кутилмоқда.⁸

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бозор муносабатларига ўтишда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва уни янги сифат даражасига кўтаришни асосий вазифа қилиб қўйгани, “Барча ислохотларнинг иқтисодий демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”⁹ деганлари ҳам беъжиз эмас.

Зотан, аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг фақат иқтисодий тараққиёт даражаси билангина эмас, балки хизмат кўрсатиш шу жумладан, ижтимоий соҳа тараққиёти даражаси билан ҳам ифодаланади. Чунки, ижтимоий соҳада давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаси ўз аксини топади ва амалга оширилади. Ваҳоланки, иқтисодий сиёсатдан барча аҳоли манфаати кўзланади. Айнан ижтимоий соҳада давлатнинг инсонпарварлик даражаси ҳар томонлама яққол намоён бўлади.¹⁰ Шу боисдан ижтимоий соҳа, ижтимоий хизматлар тизими мамлакат тараққиётида ва аҳоли турмуш даражасининг ошишида муҳим ўрин тутди.

1.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ижтимоий хизматларнинг таъсири

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган сайин миллий иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бўлган ижтимоий хизматлар соҳасида ҳам катта ўзгаришлар муҳим таркибий янгиланишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий хизматлар тизими субъектлари-таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, маданият, санъат ва бошқа тармоқларнинг жадал ривожланиши республикамизда ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибордан далолат

⁸ Солиев А.Хўжахонов Х. Ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисоди.-Т.: “Мехнат”, 1999, -Б.10.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995, -Б.119.

¹⁰ Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т.: “Молия”, 2004.-Б. 104.

беради. Иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилиш ижтимоий соҳага кучли, ижобий таъсир этди.

Ушбу тармоқлар фаолияти аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва инсоннинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ақлий қобилиятини оширишга, соғлигини тиклашга, маънавий ва маданий эҳтиёжини шакллантириш ва қондиришга жисмоний салоҳиятини сақлашга ҳамда ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “..... аҳолимиз нафақат қулай уй-жойларда, айти вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига – тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим”лигини алоҳида таъкидладилар.¹¹

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўйиниши натижасида ижтимоий хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Жамият иқтисодий жиҳатдан қанчалик кучсиз бўлса, унинг хўжалик фаолияти шунчалик устун даражада буюмлашган бойликларни ишлаб чиқариш билан чеклана боради. Иқтисодий даража қанчалик юқори ва индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблашиб боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва ижтимоий хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг

¹¹ Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

аҳамияти ўсиб боради.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва ривожланган жамиятини барпо этишида ижтимоий соҳанинг роли ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бир томондан аҳолининг умумий таркибида ўзининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги туфайли юқори даромадга эга бўлган қисмининг салмоғи ошиб бориши, иккинчи томондан ўтиш даврида, йўқотишларга йўл қўймаслик, муҳтожларни ижтимоий ҳимоялаш зарурияти, учинчидан инсон омилини ривожлантириш зарурияти ижтимоий хизматларга бўлган талабни оширади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишдан мақсад энг аввало инсон манфаатларини рўйёбга чиқариш, уларни устун қўйиш демакдир. Инсон манфаатларини рўёбга чиқарувчи ижтимоий хизматлар соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришга қаратилган саясий-ҳаракатлари фақат ижтимоий эмас, балки, иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки у мамлакатнинг иқтисодий кудратини оширишга ёрдам беради. Аҳоли учун муносиб яшаш, фаровон турмуш даражаларини шакллантириш вазифаларининг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий хизматлар соҳасида олиб борилаётган ислохотларга боғлиқ. Инсон ижтимоий хизматлар орқалигини камол топиши, ривожланиши таълим олиши, соғлигини тиклаши, қулай ва фаровон яшаш мумкин. Шу боисдан буюк мақсадлар сари йўл тутаётган мамлакатимизда ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Ижтимоий хизматлар – бу ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ўзига хос шаклидир. Ижтимоий сиёсат эса ижтимоий хизматларнинг ўзаги ва йўналишидир. Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларини амалга

ошириш билан боғлиқ сиёсати тушинилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб, унга:

- даромад сиёсати;
- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорларини шакллантириш;
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш кабилар киради.

Ижтимоий сиёсатнинг объекти-ижтимоий соҳадир.¹² Кучли ижтимоий сиёсат ижтимоий соҳа тармоқлари таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ва кишиларни турли табиий офатлардан ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда аҳолини самарали ижтимоий хизматларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юқори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Аҳоли турмуш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепцияси яратишга зарурат туғилди. Шу асосда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган изчил сиёсат олиб борилмоқда. Мазкур сиёсат республикада инсон манфаати устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг доирасида қисқа ва ўрта муддатли мақсадли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилди ва бу жараён ижтимоий соҳани ривожлантириш билан фаол амалга ошириб келинмоқда.

¹² Раҳимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси” 2004. – 78 б.

Ижтимоий инфратузилманинг ҳолатига кўра ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ва сифати, уларнинг саноати ривожланган мамлакатлар даражаси билан боғлиқлиги ва замонавий тараққиёт талаблари баҳоланади. Ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишига мувофиқ умумишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий инфратузилманинг аҳамияти ошади ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпаяди. Ижтимоий инфратузилманинг ҳажми ва кўлами шундайки, уни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўртинчи бўлинмаси деб қараш мумкин.¹³

Ижтимоий-иқтисодий тавсифга молик ижтимоий соҳанинг иқтисодий ҳаётда амал қилиши қуйидаги ижтимоий-ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлади:

- инсоннинг турмуш тарзини, ҳаётини фаолиятини мақсад ва мазмуни билан уйғунлашувига;
- ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга маблағ ажратиш, бегараз ёрдам туфайли уларнинг кун кечирishi учун замин яратилишига;
- инсон асосий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишига;
- инсон ва жамият, иш берувчи ва ишчи кучи, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини уйғунлаштириш, ўзаро манфаатдорликка риоя этиш, уларнинг ўзаро мослашувининг таъминланишига;
- муомала иш юритиш, хизмат кўрсатиш маданиятининг шаклланишига; комил инсон ривожига ва жамият тараққиётига.

Ижтимоий хизматларнинг ривожланиши оқибатида илм-фан, техника, технологиянинг янги қирралари забт этилади, шахснинг яшаш тарзи маданийлашади, миллий қадриятлар, анъаналар юзага чиқади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ижтимоий хизматлар мажмуи билан узвий боғлиқ. Ривожланган ижтимоий хизматларсиз аҳоли турмуш

¹³ Саидов М.Х, Нарсиев И.И. ва бошқалар Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати.-Т: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007. -Б. 111.

фаровонлигини оширишни тасаввур қилиш қийин. Чунки аҳоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий эҳтиёжлари қаторида маънавий эҳтиёжларининг қай даражада кондирилишига қараб белгиланади. Моддий эҳтиёж аҳолининг озиқ-овқат, турар – жой, кийим-кечак ва бошқа буюмларга бўлган талабида, маънавий эҳтиёж эса, билим олиши, маънавий-маърифий савиясини ошириши, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришида, соғлигини тиклаши ва маданий хордиқ чиқаришида намоён бўлади.

Аҳоли турмуш даражаси миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизимида ифодаланади: истеъмол этилаётган моддий неъматлар ва хизматлар умумий ҳажми, аҳолининг реал даромади, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар истеъмол миқдори, пул даромадлари миқдори, меҳнатнинг шароити ва тавсифи, иш ва бўш вақтнинг давомийлиги, тураржой шароити ва қиймати, маиший хизмат, бўш вақтдаги ва бошқа ижтимоий хизматлар билан ифодаланади.¹⁴

Ижтимоий хизматлар мажмуининг ривожланиш ва тараққиётининг қай даражадалги маълум жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни, аҳолининг умумий кайфиятини белгилайди. Ижтимоий соҳаларнинг ўсиши ҳудудларнинг умумий иқтисодий тараққиёти даражасини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади.¹⁵

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири, ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш ва хизматлар сифатини оширишдир. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги ижтимоий хизматлар тизимини шакллантириш ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам иқтисодий

¹⁴ Саидов М.Х, Нарсиев И.И. ва бошқалар Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати.-Т: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007. -Б. 342.

¹⁵ Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: “Молия”, 2004.-Б. 104. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: “Молия”, 2004.-Б. 105.

ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳанинг барча таркибий қисмларини ривожлантириш борасида муҳим, диққатга сазовар ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Хусусан, аҳолининг ночор, ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини манзилли ва мақсадли ҳимоя қилиш, аҳолига бепул юқори даражадаги тиббий хизматлар кўрсатиш, аҳолининг бепул таълим олишини таъминлаш, маданият ва санъат, дам олиш, уй-жойлар шароитини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш каби тизимларни яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

1.3. Ижтимоий хизматларнинг турлари ва тузилиши

Ижтимоий хизмат тизимининг қарор топиши аҳоли билан ишлашда фуқароларни самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш имконини берадиган замонавий методика ва технологиялардан кенг фойдаланиш мамлакат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим тендецияси ҳисобланади.

Ижтимоий хизматлар тизими иқтисодиёт тармоқларининг энг муҳим ва асосий таркибий қисмларидан бўлиб, бугунги кунда уларни ташкил этиш ва фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий ва амалий муаммолари ушбу тармоқ тузилмаси ва таснифига ҳамда уларни гуруҳлаштиришга боғлиқ бўлмоқда. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш муассасаларини таснифлашда уларнинг таркибий ва функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мезонларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир мамлакатдаги таснифлаш бошқа бир мамлакатдагига мос келмаслиги ўзаро муносабатларда тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши, бу эса ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг қиёсий таҳлилига таъсир кўрсатиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ижтимоий хизматлар тобора такомиллашиб, ривожланиб бормоқда, уларни турларга ажратиб таснифлаш функционал мезондан, уларнинг мақсад вазифаларидан келиб чиқиб амалга

оширилади ва қуйидаги кўринишга эга:

- умуммаънфаатли хизматлар кўрсатиш (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта хизматлари);
- оммавий хизматлар кўрсатиш (савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти);
- тўғридан-тўғри хизматлар кўрсатиш (маиший хизматлар, маданият ва санъат) (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Ижтимоий хизматлар таснифи¹⁶

Ижтимоий хизматлар		
Умуммаънфаатли хизматлар	Оммавий хизматлар	Тўғридан-тўғри хизматлар
таълим; соғлиқни сақлаш; ижтимоий таъминот; ижтимоий суғурта.	савдо; умумий овқатланиш; йўловчи транспорти.	маиший хизматлар; маданий-маърифий хизматлар; мадания ва санъат.

Шу билан бирга ижтимоий хизматларни амал қилиш механизми нуктаи назаридан ҳамда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича классификатор ва давлат статистика кўмиталари кўрсаткичлари таснифлашнинг асосий мезони сифатида тармоқлар бўйича қуйидагича гуруҳларга бўлинади, булар: тиклаш ижтимоий хизматлари, профессионал ижтимоий хизматлар, тақсимлаш ижтимоий хизматлари, истеъмол ижтимоий хизматлар ва умумий ижтимоий хизматларни ташкил қилади (1.3.2 - жадвал).

1.3.2- жадвал

Ижтимоий хизматларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши¹⁷

№	Ижтимоий хизмат турлари	Соҳалардаги қўлланилиши
1	Тиклаш хизматлари	Ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта
2	Профессионал хизматлар	Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий туризм
3	Тақсимлаш хизматлари	Савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

4	Умумий хизматлар	Маиший хизматлар, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт
5	Истеъмол хизматлари	Уй хўжалиги билан боғлиқ хизматлар

Ижтимоий хизматлар кўрсатишни истеъмол жиҳатидан моддий тавсифдаги ижтимоий хизматларга ва номаддий тавсифдаги ижтимоий хизматларга бўлиш мумкин. Моддий ижтимоий хизматлар пулли бўлиб, бозор объектига киради ва ҳар қандай товар сингари олди-сотди қилинади. Улар бир вақтда юз бериб, кўрсатилган хизмат бир вақтнинг ўзида истеъмол қилинади ва пули тўланади. Мазкур ижтимоий хизматлар таркибига савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти, маиший хизматларни киритиш мумкин. Номоддий ижтимоий хизматларда айирбошлаш аксинча алоҳидалашиб, пули олдиндан ёки кейин тўланиши мумкин. Кўрсатилаётган хизматлар аста-секинликда маълум вақт ўтиши билан истеъмол қилинади. Буларга таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий туризм, маданият ва санъатни мисол келтириш мумкин (1.3.3-жадвал).

1.3.3- жадвал

Ижтимоий хизматларнинг тузилиши ¹⁸

№	Моддий тавсифдаги ижтимоий хизматлар	Номоддий тавсифдаги ижтимоий хизматлар
1	Савдо ва умумий овқатланиш	Таълим
2	Йўловчи транспорти	Соғлиқни сақлаш
3	Маиший хизматлар	Ижтимоий туризм
4	Уй хўжалиги хизматлари	Маданият ва санъат

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий тизимда бажараётган вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Биринчи гуруҳга тегишли хизматлар фаолияти аҳолининг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондиришга, инсон қобилиятини оширишга, саломатлигини тиклашга ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга қаратилган;

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Иккинчи гуруҳга таалукли хизматларда мудофа ташқи ва ички хафсизлик ҳамда аҳолининг умумдавлат бошқарувига бўлган эҳтиёжлари қондирилади; Учинчи гуруҳга тегишли хизматларда аҳолининг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари қондирилади (1.3.4-жадвал).

1.3.4-жадвал

Ижтимоий хизматларнинг бажараётган вазифасига кўра гуруҳланиши¹⁹

Аҳолининг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга, инсон қобилиятини оширишга хизмат қилади	Ташқи ва ички хафсизлик ҳамда аҳолининг умумдавлат бошқарувига бўлган эҳтиёжлари қондиришга хизмат қилади	Аҳолининг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари қондиришга хизмат қилади
<ul style="list-style-type: none"> ❖ таълим хизматлари; ❖ тиббий хизматлар; ❖ ижтимоий таъминот ва бандлик хизматлари; ❖ ижтимоий суғурта хизматлари; ❖ ижтимоий туризм хизматлари; ❖ маданият ва санъат хизматлари. 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ давлат бошқарув органлари; ❖ мудофаа, ички ва ташқи хафсизлик; ❖ маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари; ❖ жамоат бирлашмалари; ❖ нодавлат нотижорат ташкилотлари хизматлари. 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ савдо хизматлари; ❖ умумий овқатланиш хизматлари; ❖ маиший хизматлар; йўловчи транспорти хизматлари; ❖ уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари.

Ижтимоий хизматларни ички таркибий тузилишига кўра ихтисослашган ва ихтисослашмаган хизмат кўрсатишга бўлиб ўрганиш мумкин. Ихтисослашган ижтимоий хизматлар юқори даражадаги маълумот, малака, маҳорат ва касб талаб қилади. Уларга таълим, тиббий, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, ижтимоий туризм, маданият ва санъат каби хизматларини мисол келтириш мумкин. Ихтисослашмаган хизматлар эса кўпам юқори даражадаги маълумот ва малака талаб қилмайдиган хизматлардан ташкил топган бўлиб, уларга савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизматлар, йўловчи транспорти ва уй-жой коммунал хўжалиги хизматларини киритиш мумкин (1.1.5-жадвал.)

¹⁹ Муаллиф томонидан тузилган

1.3.5-жадвал

Ижтимоий хизматларнинг ички таркибий тузилиши²⁰

Ихтисослашган ижтимоий хизматлар	Ихтисослашмаган ижтимоий хизматлар
<ul style="list-style-type: none">➤ таълим хизматлари;➤ тиббий хизматлар;➤ ижтимоий таъминот ва бандлик хизматлари;➤ ижтимоий суғурта хизматлари;➤ ижтимоий туризм хизматлари;➤ маданият ва санъат хизматлари.	<ul style="list-style-type: none">➤ савдо хизматлари;➤ умумий овқатланиш хизматлари;➤ маиший хизматлар;➤ йўловчи транспорти хизматлари;➤ уй-жой хизматлари;➤ коммунал хўжалиги хизматлари.

Шунингдек, иқтисодий муносабатлар тизимида кўрсатилаётган ижтимоий хизматларни хўжалик юритиш фаолиятига ва мулкчилик муносабатларига мувофиқ қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) давлат тасарруфидаги ижтимоий хизматлар;
- 2) қисман давлат тасарруфидаги ижтимоий хизматлар;
- 3) хусусий ижтимоий хизматлар;
- 4) инсонпарварлик ва хомийлик хизматлари.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларининг фаолиятини илмий-назарий таҳлил қилиш билан унинг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш мумкин. Бу фаолият моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш, аҳолига турли профессионал хизматлар кўрсатиш, профессионал кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга қаратилгандир.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолияти, хизматларни ишлаб чиқиш ва тақсимлаш махсус ихтисослашган субъектлар орқали амалга оширилади. Мазкур субъектларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фирмалар (даволаш, ижтимоий туристик хизматларни кўрсатиш);
- корхоналар (йўловчи транспорти, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари);

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган

- бюро, идоралар (уй-жой хизматлари);
- муассаса (таълим, соғлиқни сақлаш тармоқлари);
- ташкилот (маданият, санъат соҳасидаги тармоқлар).

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ва инсон омилини ривожлантириш шароитида ижтимоий хизматлар фаолиятининг стратегияси ва унинг самарадорлигига талаб кучайиб бормоқда.

Ижтимоий хизматларнинг сифати ва самарадорлиги кўрсатилаётган хизматларнинг комплекс ҳолати, амалдаги техник нормативларга мос келиши, индивидуал ёки умумий талабларнинг тўлиқ бажарилиши, миллий ва жаҳон стандартларига жавоб бериши тушунилади. Ижтимоий хизматларнинг сифати истеъмолчининг талаби бўйича, олий, ўрта ва паст даражада бўлади. Сифатнинг яхшиланиши корхонада хизмат кўрсатишнинг муваффақиятли амалга оширилиши, маҳсулот ассортиментининг кўпайиши, истеъмолчи талабининг тез ва қисқа вақтда қондирилиши ва охир-оқибатда ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошишини таъминлайди.

Ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг сифатини характерловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоий хизматлар кўрсатувчи муассасалар моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги;
- хизматлар фаолияти ҳақида истеъмолчиларда маълумотларнинг мавжудлиги;
- хизматларнинг аҳоли талабига мослиги ва замонавийлиги.

Ижтимоий хизматлар аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётда ижтимоий адолатни ўрнатишда, ишдан бўш вақтидан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, ижтимоий муаммоларни ечишда асосий роль ўйнайди. Шундан кўриниб турибдики, ижтимоий масалаларни ўз вақтида ва самарали бажариш иқтисодий тараққиёт даражасига ҳам ижобий

таъсир кўрсатади.²¹

Ҳар қандай жамиятнинг истиқболдаги маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланиши, камол топиши унинг ижтимоий соҳасига хусусан, таълим-тарбия мақомига, янгича тизим таркибига ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига бевосита боғлиқ.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон тараққиёти стратегияси устида тўхталиб, “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳволи амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир”²² деган эди.

Кўринадики, ижтимоий соҳанинг том маънода янгиланиши инсон шахсининг ривожланишига ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Ижтимоий соҳадаги туб ўзгаришлар орқали жамиятни қайта қуриш ва соғлом муҳит яратиш мумкин.

²¹ Фуломов С, Убайдуллаева Р. ва бошқалар Мустақил Ўзбекистон.-Т: “Тошкент ислом университети”, 2003. –Б. 76.

²² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т: “Ўзбекистон”, 1999. –Б.18.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Ижтимоий хизматлар мажмуи миллий иқтисодиётнинг бажарувчи тармоқларини ўз ичига олиб, унинг таркибига таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, савдо ва умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, ижтимоий туризм ҳамда йўловчи транспорти каби қатор ижтимоий маданий соҳалар киради. Улар аҳолининг моддий маиший ва ижтимоий маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Бу хизматлар шахснинг ривожланишига ёрдам беради ва унинг ижодий имкониятларини тўлиқ намоён қилишни рағбатлантиради. Булардан ташқари ижтимоий хизматлар аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, иқтисодиётда ижтимоий адолатни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли турмуш даражаси ижтимоий хизматлар мажмуи фаолияти билан узвий боғлиқ. Аҳоли турмуш даражаси деганда аҳолининг қулай ва фаровон яшаши тушинилади. Ижтимоий хизматлар тизими аҳолининг қулай ва фаровон яшашида ва шахс сифатида шаклланишида асосий роль ўйнайди.

Ижтимоий хизматлар мажмуида олиб борилаётган ислохотлар қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди:

- ҳар бир инсоннинг бепул малакали тиббий хизмат ва таълим олишини таъминлаш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш;
- аҳолининг қулай шароитларда ишлаши ва дам олишини яхшилаш;
- аҳолининг турар жойларга, маиший-маданий хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш муассасаларининг хизматларига ҳамда маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда шу каби бошқа ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондириш.

Аҳоли турмуш даражасини, унинг фаровон ҳаётини фақат даромадаларининг ошиши, моддий бойликларининг кўпайиши билан ўлчаб

бўлмайди. Чунки инсонларнинг турли даражадаги маънавий-маданий ва маърифий эҳтиёжларининг қондирилишини назардан четда қолдириш билан турмуш фаровонлигига эришиб бўлмайди.

Иқтисодиёти ривожланган ва аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси, аҳолининг юксак турмуш даражаси ижтимоий хизматларнинг кенг миқёсда ўсишига боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Ижтимоий хизмат субъектлари – таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, маиший хизматлар, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда йўловчи транспорти каби соҳалар фаолияти аҳолининг кундалик турмуши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг жамиятдаги бурчларини бажаришларида, иш ўринларида юқори меҳнат унумдорлигига эришишларида ҳамда ижтимоий, маънавий ривожланишида асосий омилдир. Қишлоқ аҳолисининг фаровонлик даражасини шаҳар аҳолисиникига тенглаштиришда, унинг ҳудудлараро бир текис ривожланишида, турли хил ижтимоий гуруҳлар ҳаёт тарзининг яқинлашишини таъминлашда ҳам ижтимоий хизматларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам аҳоли турмуш даражасини ва унинг юксалишини ижтимоий хизматлар ва уларнинг кўламисиз тасаввур қилиш қийин.

II боб. Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолати ва кўрсаткичлари

2.1. Ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари

Ижтимоий хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, унинг асосий мақсади аҳоли ва жамият талабига мос сифатли хизматларни кўрсатиш ҳамда жамиятдаги ижтимоий муҳитни сақлашдан иборат.

Ижтимоий хизматларнинг амал қилиши ва фаолият кўрсатиши ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг яратилиши билан бирга тегишли ҳуқуқий муҳитни юзага келтиришни тақозо этади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тизим тегишли ҳуқуқий муҳитда кечади. Ҳар қандай мулкчилик ёки хўжалик юритиш шакли ўз фаолиятини бошлар экан, у энг аввало ўз фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга бағишланган бўлиб, ушбу бобнинг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги, 40-моддаси фуқароларнинг малакали тиббий хизматлардан фойдаланиши, 41-моддаги ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ижтимоий хизматлар амал қилишида муҳим дастак ва қонунчилиги учун юридик база бўлиб ҳисобланади.²³

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланишидир. Ижтимоий хизматлар соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун уни қонун билан кафолатлаш лозим. Ижтимоий хизматлар соҳасини тартибга солишни кафолатланиши, уларнинг хизмат кўрсатишни амалга оширадиган

²³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.: Ўзбекистон. 2008. – Б.9.

давлат ташкилотларига ва тадбиркорлик субъектларига катта имконият яратади. Шу сабабли, республикада ижтимоий хизматлар соҳасини борган сари ривожлантириб боришга ва унинг тараққиётини қонун билан кафолатлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши бу борада муҳим воқеа бўлди.

Ижтимоий хизматлар соҳасининг муҳим таркибий қисми бўлган таълим тизимида 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг қўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди.²⁴

“Таълим тўғрисида”ги қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, таълим тизими ва турларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳаси, таълим устуворлиги эълон қилинган. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта ва касб -ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерга эга эканлиги;
- таълимнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

²⁴ Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. -Т.: ТДИУ. 2005. – Б.135.

Ўзбекистон республикасида соғлиқни сақлаш соҳаси фаолияти билан боғлиқ муносабатлар асосан 1996 йил 29 августда қабул қилинган “Республика фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни асосида тартибга солинади.

Унга кўра фуқаролар соғлиғини сақлашда қуйидаги вазифалар устувор ҳисобланади:

- тиббий хизматларни амалга оширишда фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;
- аҳолининг барча қатламлари учун тенг тиббий ёрдам олиш имконияти;
- касалликларнинг олдини олиш тадбирларининг устуворлиги;
- соғлиғини йўқотган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш;
- тиббий фан ва амалиётнинг бирлиги.

Мазкур қонун асосида соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш учун шарт-шароитларининг яратилишини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди ва республикада тиббий фаолиятнинг амал қилишидаги тўлақонли ҳуқуқий негизи барпо этилди.

1999 йил 15 апрелдаги “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда 2002 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти учун қулай шароит яратиш, уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштиришни яхшилашда мазкур ширкатларнинг ролини ошириш шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, буларга мисол

тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги “Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларини алоҳида келтириш мумкин. Унга кўра маиший хизмат кўрсатиш соҳасини марказдан туриб бошқаришни тугатиш ва рақобат муҳитини яратиш, маиший хизмат корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақилигини ошириш мақсадларида “Ўзмаишийхизматуюшма” тугатилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини ҳудудий бўлимларга, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар ҳудудий уюшмалари бошқарадиган бўлди.

Шунингдек, 2006 йил 9 мартдаги “Автомобил транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори аҳолига автомобил транспорти хизмати кўрсатиш соҳасида амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг янада аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжатда асосий эътибор аҳолига автомобил хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакат иқтисодиёти учун ушбу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Мазкур Фармонга мувофиқ 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастури тасдиқланиб унда хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлар фаоллигини янада

кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланди.²⁵ Мазкур фармонда тасдиқланган асосий тадбир ва параметрларга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш ҳамда ушбу дастурлар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатишни таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги Фармони мамлакатимизда хизматлар кўламининг янада кенгайишига замин яратди. Ушбу фармон ижтимоий хизматлар соҳасида хусусан, савдо ва умумий овқатланиш, йўловчи транспорти, маиший хизматлар соҳаси фаолияти ривожланишини рағбатлантирди. Ёхуд ушбу ҳужжатлар асосида республикаимизда ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими кескин суръатлар билан ривожланиш тенденциясига эга бўлди.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиёти томон ўтаётган Ўзбекистон олдида ғоятда мураккаб вазифа хўжалик юриштиринг тамомила янги ҳуқуқий базасини яратиш зарур бўлди. Чунки бозор муносабатларига ўтишда ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда айниқса, ижтимоий соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар инсонпарварликни аҳоли маънафаати учун хизмат қилишни тақозо этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бунги кунда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи. 2006. 18 апрел.

йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш-буларнинг барчаси ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади.”²⁶

Айтиш жойизки, ижтимоий хизматларнинг амал қилиши билан боғлиқ ушбу қабул қилинган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар унинг самарали фаолият кўрсатишига ва аҳолининг сифатли ижтимоий хизматлардан баҳраманд бўлишларини таъминлайди ҳамда истиқболи учун хизмат қилади.

2.2. Ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш, мазкур секторнинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш мамлакатимиз тараққиётининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ушбу секторни ривожлантирмай туриб, миллий иқтисодиётни юксалтириш, инсоннинг қулай ва фаол яшашини таъминлаш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис республикамызда ижтимоий хизматлар соҳасида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг буюк давлатга айланишида, аҳолининг тафаккури ва маданиятини ривожлантиришда ижтимоий соҳанинг аҳамияти ва роли беқиёсдир. Иқтисодиёти юқори даражада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси аҳолининг юксак турмуш даражасига эришиши ҳам, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг юксак ривожланиши ҳам ижтимоий хизматларнинг таълим, маданий-маиший ва тиббий хизматлар тизимининг кенг миқёсда ўсишига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантиришга ҳамда шу орқали аҳолининг маънавий-маданий ҳаётини

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б. 38.

ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратмоқда ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларини давлат сиёсати даражаси кўтармоқда.

Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов маъмуний билан Ўзбекистон республикаси конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган маърузасида, ижтимоий соҳанинг жадал риволанаётганлигини таъкидлаб, “.....ижтимоий – сиёсий, социал - иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг кўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётганлиги барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди” деди.²⁷

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий хизматларни юксак даражада ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим шarti, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасининг интеграллашган кўрсаткичи ҳисобланиб, кейинги 10 -15 йил ичида ижтимоий соҳада туб бурилиш ва ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик ва тараққиёт, модернизация қилиш ва либераллашув даври бўлди.

2000 йиллардан бошлаб ижтимоий хизматлар иқтисодиётнинг тез ва самарали ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Ижтимоий хизматлар тузилмасида сифат ўзгаришлар рўй берди. Хизмат кўрсатишнинг замонавий, ихтисослашган янги соҳалари пайдо бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида ижтимоий хизматлар тизими экстенсив йўл асосида ривожланар эди. Бу тизимда сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдор кўрсаткичларига асосий эътибор берилган. Масалан, мустақиллик даврининг бошида Ўзбекистонда 22 миллион кишига 70 мингдан ошиқ врач тўғри келар эди. Ана шу даврда Туркияда 60 миллион аҳолига 23 минг врач, Малайзияда 18 миллион аҳолига 6,2 минг врач тўғри келган. Ўзбекистондаги

²⁷ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир.-Т: Ўзбекистон, 2013.-Б. 7.

врачларнинг кўплиги аҳолини даволаш юқори даражада эканлигини асло билдирмас эди.²⁸

Бугунги кунда ижтимоий хизматлар тизимида модернизациялаш ва диверсификациялаш ишлари изчил амалга ошириб борилмоқда. Аҳолига янги турдаги замонавий хизматларни тақдим этиш ҳисобига бойиб, фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Шунга мос равишда унда банд бўлганлар сони ҳам кўрсатилган хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам изчил ўсмоқда.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсган.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганидан далолат беради.²⁹

Мамлакатимиз фуқароларининг турмуш шароитини яхшилашга доир кўлланилаётган чора-тадбирлар тизимида ижтимоий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли ўтган давр мобайнида Республикада ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқлари ижтимоий инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ маданий, маиший ва тиббий хизмат кўрсатишда айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 минг

²⁸ Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт. – Т.: «Молия», 2004. – Б. 115.

²⁹ Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

208 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Бу ҳол 2000 йилга нисбатан 2 барабор кўпдир.

Одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида қатор демографик кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги кузатилмоқда. Аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2013 йилда 73,4 ёшга ёки ушбу давр мобайнида 9 фоиздан кўпроқга ўсган. Шу жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75,4 ёшга етганлиги тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг сифат жиҳатдан яхшиланганлигини билдиради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди”.³⁰ Ижтимоий инфратузилма бошқа тармоқлар қаторида бир томонлама ва буйруқбозлик асосида бошқарилар эди. Мамлакатимиз ижтимоий мажмуаси қисқа даврда қайта тузилиб, ривожланиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш жиҳатидан юқори марраларга эришди.

Ижтимоий хизматлар соҳаси мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. У мамлакатимиз аҳолисининг барчасини қамраб олади. Шунинг учун ҳам уни молиялаштириш сезиларли маблағларни талаб қилади унда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг самарали бўлиши ва хизматлар сифатини ошириш кўп жиҳатдан молиявий маблағлар билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети харажатларининг таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Унда ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилган маблағлар асосий ўрин тутди. Натижада ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2010 йилда 59 фоизга ўсди. 2013 йилда бу соҳага ажартилган маблағлар бюджетимиз умумий

³⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.- Б.5.

харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.³¹ (2.2.1-жадвал).

2.2.1 - жадвал

Давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси (фоиз ҳисобида)³²

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2013 йил
Харажатлар, жами	100	100	100	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга	31,5	42,5	59,0	60,0

Мамлакатда ижтимоий хизматлар соҳасига қаратилаётган эътибор натижасида соҳанинг таркибий қисми бўлмиш таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчи транспорти, савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа тармоқларида сифат жиҳатдан ўзгаришига ҳамда уларнинг моддий техника базасининг мустаҳкамланишига эришилмоқда. Биргина 2013 йилда таълим соҳасида 28 та янги касб-хунар коллежи қурилди. 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар музика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда 1396 та касб-хунар коллежи ва 141 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай ўқув юртлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам бор. Бугунги кунга

³¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир.-Т: Ўзбекистон, 2013.-Б. 27.

³² Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир.-Т: Ўзбекистон, 2013.-Б. 27. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогностлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 19.

келиб мазкур ўқув юртларида 1,7 миллион нафардан ортиқ. ўғил-қиз билим олмоқда³³.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Халқаро тажриба тахлили шуни кўрсатадики, аксарият ривожланган давлатларда бу соҳадаги ислохотлар, одатда, фақат таълим соҳасида амалга оширилган. Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у яхлит самарали тизимга асос бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабхалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида қуйидаги уч масала ҳал қилиниши кўзланган:

биринчидан, таълим жараёни, ўқув дастурларининг сифатини сезиларли даражада ўзгартириш лозим. Бундан мақсад республикамизда яшовчи халқларнинг унутилган маданий ва маънавий анъаналарини ҳаётга қайтариш;

иккинчидан, таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида ўзларига муносиб иш топишлари учун иложи борича юқори касбий даражада тайёрлашни таъминлаш;

³³ Каримов И.А. "2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади" Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2014 йил. 18 январь №13.

учинчидан, бюджет маблағлари тақчиллиги шароитида таълимни молиялашнинг қўшимча манбаларини излаш талаб этилади.³⁴

Соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2013 йилда 2010 йилдагига нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти капитал реконструкция қилинди, республикдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробарга ортди ва 91,7 фоизга етди.

Соғлиқни сақлашни молиялаштиришда номарказлаштириш принципига амал қилиниб маҳаллий бюджетларнинг ролини оширишга кўпроқ эътибор қаратилди. Натижада соғлиқни сақлашни молиялаштиришда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар улуши 2007 йилдаги 19,3 фоиздан 2012 йилда 11,9 фоизга камайган. Шунга мос равишда маҳаллий бюджетдан молиялаштириш 2007 йилдаги 80,7 фоиздан 2012 йилда 88,1 фоизга ошган (2.2.2-жадвал).

2.2.2 - жадвал

Соғлиқни сақлашни маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялашнинг солиштирма улуши (фоиз ҳисобида)³⁵

	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Соғлиқни сақлашга сарфланадиган давлат харажатлари (фоиз ҳисобида)	100	100	100	100	100	100
Жумладан:						
Республика бюджети ҳисобидан	19,3	12,8	11,9	12	12,04	11,9
Маҳаллий бюджет ҳисобидан	80,7	87,2	88,1	88	87,96	88,1

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича, самарали ёндашувлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташқилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро

³⁴ Абулқосимов Х. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари – Т.: «Молия», 2005. 166 б.

³⁵ Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида

жамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойихаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, 2012 йилда Ўзбекистон „Save the children“ („Болаларни асрайлик“) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхурлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларни мунтазам равишда эмлаш йўлга қўйилгани, аёлларга туғиш вақтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди³⁶.

Бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНИСЕФ каби дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилаётганидир. Табиийки, бундай холис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт тизими янги босқичга кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканига яққол далидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга мухтожларга хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар хиссаси ҳам сезиларли ўрин тутди. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга энг мухтож қатламларидан бири - бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам

³⁶ Санаев Ф. Изчил ислохотлар, юксак самаралар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. – // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил, 9 ноябрь.

таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробаригача бўлган миқдорда белгиланади.

Айтиш жойизки, ижтимоий таъминот ва аҳолининг ночор қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида натижаларга эришилмоқда. Масалан, 2013 йилда аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.³⁷

2007-2012 йилларда юртимизда аҳолининг ишсизлик даражаси бир меъёрда бўлган, яъни 5 фоизни ташкил қилган. Бироқ бу кўрсаткичнинг йиллар бўйича ўзгариши унинг бир меъёрда бўлмаганини кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси 0,1 бандга камайган, 2008-2009 йилларда 0,4 бандга кўпайган, 2009-2011 йилларда эса 5,3 фоиздан 5 фоизга тушган ёки 0,3 бандга камайган.

Шундай қилиб, иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби:

³⁷Каримов И.А. "2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади" Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2014 йил. 18 январь №13.

- иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;
- меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.

Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига иш сўраб мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган (2.2.3-жадвал). 2007-2011 йилларда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони 18,6 фоизга, ишга жойлаштирилганлар сони эса 5,3 фоизга ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар улуши 87,3 фоиздан 90,1 фоизга кўпайган (2.2.3-жадвал).

Меҳнат муассасалари томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, пул тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, меҳнат бозоридаги талабнинг ва таклифни тадқиқ қилиш, бу бозордаги талабни ўсишига кўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Республикада ишга жойлашишга муҳтож аҳолини бир марталик ишга жалб қилиш ишлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу фаолиятнинг моҳияти шундаки, ўз меҳнат лаёқатини қисқа муддатли (тўлиқ бир иш кунида ёки тўлиқсиз бир иш кунида, икки ёки ундан ортиқ, лекин бир ойдан кам иш кунида) ишга сарфлаш истагида бўлган фуқароларга меҳнат муассасалари иш берувчи ва ёлланма ишчини бир-бири билан учраштириш

ва келишиб олишларига кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси³⁸

2.2.3-жадвал

Худудлар	Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони, бирлик			Ишга жойлаштирилганлар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши, фоиз		
	2007	2009	2011	2007	2009	2011	2007	2009	2011
Қорақалпоғистон Республикаси	40151	47339	45115	36227	42976	43333	90,2	90,8	96,1
<i>вилоятлар:</i>									
Андижон	44852	55229	68236	39451	48313	62577	87,9	87,5	91,7
Бухоро	31976	39819	44475	27272	31668	40507	85,2	79,5	91,1
Жиззах	27693	32526	21457	23821	27957	18170	86,0	86,0	84,7
Қашқадарё	55603	58855	56419	49712	52175	50671	89,4	88,7	89,8
Навоий	29940	30269	23121	26220	26811	21373	87,5	88,6	92,4
Наманган	50010	58851	49655	41450	49861	45103	82,8	84,7	90,8
Самарқанд	53753	64355	76350	48708	59020	68360	90,6	91,7	89,5
Сирдарё	18367	20908	6210	15212	17725	14407	82,8	84,8	88,9
Сурхондарё	3069	38012	42689	28220	32911	38913	91,9	86,6	91,2
Тошкент	37216	43343	56743	33099	39203	52943	88,9	90,4	93,3
Фарғона	65777	76723	87934	57332	66596	77128	87,1	86,8	87,7
Хоразм	37055	46111	36291	28266	32073	31401	76,2	69,6	86,5
Тошкент шаҳри	34350	46158	36746	31545	38018	30805	91,8	82,4	83,8
Республика бўйича	557438	658498	661441	486535	565307	595691	87,3	85,8	90,1

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифати, юрт ободлиги кўп жиҳатдан аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

хизмат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ. Мазкур омилнинг аҳамиятини чуқур ҳис этган ҳолда, мустақиллик йилларида аҳолининг коммунал хизматлар билан таъминланиш даражасини оширишга катта эътибор қаратилди. Хусусан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида бу соҳадаги вазият тубдан яхшиланди. Аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда магистрал ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини қуриш бўйича аниқ, мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1991-2009 йилларда 54 минг километрдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 47,9 минг километрли сув тармоқлари ва ичимлик суви қувурлари, 74 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 67,6 минг километрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилди³⁹.

Ҳозирги кунда аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида мазкур йўналишдаги ишлар жадаллаштирилмоқда. Ижтимоий ва коммуникация инфратузилмаларининг жадал ривожланиши ҳамда тез ўсиб бораётган уй-жой бозорининг шаклланиши шаҳар ва қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис инфратузилмасининг кенгайишига ҳамда бунинг натижасида 2011—2015 йилларда транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2,5 баробар ошишига имкон яратади⁴⁰.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг юритилиши ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши соҳанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди ва унинг тараққий этиши қуйидаги объектив зарурият ва маълум субъектив сабабларга асосланди:

биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий мустақилликни қўлга киритиши туфайли иқтисодий ривожлантириш андозалари ўзгарди. Миллий иқтисодиётда ижтимоий хизматларни кўрсатишдаги миқдорий

³⁹Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прагнозлар: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011й. – 117 –б.

⁴⁰Ўша манба, 117 –б.

кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларига устуворлик берилди;

иккинчидан, аҳоли даромадларининг ўсиши ва истеъмолчилар руҳиятининг ўзгариши оқибатида уларда сифатли хизматларга бўлган талаб шаклланди;

учинчидан, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб бориши натижасида ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштириш заруриятга айланди.

Ушбу зарурият асосида ижтимоий хизматлар соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Жумладан:

- ижтимоий хизматлар фаолиятини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилмоқда;
- ижтимоий хизматларни ривожлантиришда давлат дастурлари қабул қилинди амалиётга жорий этилди;
- замонавий аҳоли талабига мос ижтимоий хизматлар тизими яратилди;
- ижтимоий хизматлар яратишда рақобат муҳити шакллантирилди ва ҳакозо.

Хуллас, мамлакатимизда ижтимоий хизматлар мажмуи изчил ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлмоқда ва уни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган ва ривожлантириш чора-тадбирлари изчил давом этмоқда. Бу эса келгусида мазкур соҳаларнинг жадал ривожланишини таъминлайди ва барқарор миллий иқтисодиётнинг шаклланишига замин яратади.

2.3. Ижтимоий соҳани тараққий эттириш механизми асосида аҳолини сифатий ривожлантириш йўллари

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кенг кўламда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом фарзандлар туғилиши ва аҳолининг

иқтисодий фаравонлигини ошириш долзарб вазифа сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси умуммиллий сиёсатида аҳоли сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки мазкур сиёсат марказида республика аҳолиси туради. Давлат миллий сиёсатининг мақсади, вазифалари, музмунини ҳозирги вақтдаги демографик вазият, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим. Бунда туб аҳолининг миллий-этник хусусиятларини, маҳаллий оилаларнинг маданий аъаналарини, миллий ва маънавий қадриятларни, урф-одатларни, удумларини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг олий мақсади “Ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш” миллатнинг моддий ва маънавий баркамоллигини таъминлашни ташкил этса, аҳоли сиёсатининг асосий мақсади, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган.

Давлатнинг миллий аҳоли сиёсати бир - бири билан ўзаро алоқадор мустақил бўлимлар тизимидан ташкил топган. Уларнинг ичида демографик сиёсат алоҳида аҳамият касб этади.

Демографик сиёсат туғилишни тартибга солишга, она ва болани муҳофаза қилишга ва умумий ўлимни қисқартиришга, саломатликни яхшилашга, ўртача умурни оширишга йўналтирилган.

Жамият тараққиётида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, асосан бозор муносабатларининг шаклланиб бориши натижасида аҳолининг демографик фаолияти ҳам ўзгарди. Хусусан, қарийб йиллик ижтимоий-демографик ўзгариш аҳолида янгича тасаввурни юзага келтирди. Қишлоқ жойларида туғилишнинг умумий коэффиценти ўзгарди. Бу ҳолат эса шубҳасиз оилаларнинг таркибига ўзгариш киритди. Бунга сабаб эса оилада болалар сонини бошқариш жараёни юз беришидандир.

Аҳолининг ижтимоий-демографик таркибига биринчи навбатда иқтисодий омил ўз таъсирини ўтказди ва аҳолининг демографик фаолияти

шунга мослаб бошқарилмоқда. Биринчидан, оила таркибида бўлаётган бу ўзгаришлар ижобий. Чунки, оиланинг ихчамлашиши оиладан бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таназзулдан сақлайди, иккинчидан, демографик жихатдан сифат ўзгариши келиб чиқади, учинчидан оилада соғлом фарзанднинг ўсишига шароит яратилди.

Мустақлик йилларида туғилиш даражаси камайиб бориши билан бирга табиий ўсишда сифат ўзгариши юз берди. Бу болалар ўлимнинг камайиб бориши билан боғлиқ. Табиий ўсишда ўлимнинг камайиши демографик сифат ўзгаришга олиб келди. Мустақил Ўзбекистоннинг янги демографик сиёсати сифат ўзгариши ва ўсиш устувор саналади.

Демографик сиёсат миллий аҳоли сиёсати тизимида энг муҳим бўлиб, миллат саломатлигини яхшилашга аратилган. Аёлларнинг кам вақт ичида кўп бола туғиши, оғир жисмоний иш билан шуғулланиши, хомиладорлар, оналар ва гўдаклар овқат рационининг камбағаллиги она ва бола саломатлигига катта путур етказди. Ўзбек миллати генофондининг бузилганлик белгиларининг мавжудлиги жуда ташвишлидир. Унинг олдини олиш бўйича тез фурсатда зарурий тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Аҳоли сиёсатининг мақсади давлат томонидан аҳолининг ҳам миқдорий ҳам сифатий ривожланишини таъминлашдир. Аҳоли ривожланишига маълум даражада таъсир этиб бориш тарихий жараёндир. Ушбу жараён жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, шу даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароитига мос ҳолда, аҳолида мазмунга эга бўлган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборатдир. Аҳолининг сифатий ривожланиши қуйидагилардан ўз ичига олади:

- аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими, ўртача умр даври;
- аҳолининг таълим даражаси ва унинг таркиби;
- аҳолининг касб-хунарга тайёргарлик даражаси;

- аҳолининг социал таркиби ва социал мобиллиги;
- аҳолининг урбанизациялашганлиги;
- аҳолининг ҳудудий ҳаракати;
- аҳолининг маънавий-маданий қадриятлари ва уларни сақлаш, эъзозлаш.

Ўзбекистонда аҳоли сиёсати ўзаро чамбарчарс боғланган бўғинлардан ташкил топган. Ушбу бўғинларга демографик сиёсат, аҳоли миграцияси, урбанизация ва бандлик сиёсатларини киритиш мумкин.

Демографик сиёсат аҳоли сиёсатини узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолини миқдорий ривожланишини бошқаришдан иборатдир. Демографик сиёсатнинг асосий объекти аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни ҳисобланади.

Иқтисодийтни модернизация қилиш шароитидаги устувор вазифалардан бири ҳалқнинг фаровонлигини босқичма-босқич оширишдан иборат. Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар қуйидагиларга қаратилган:

а) бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта таълим муассасалари ишчиларига нисбатан тармоқ таъриф сеткаси жорий этилиши;

б) қишлоқ жойлардаги ва узоқ ҳудудларга жойлашган мактабларни капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш, яъни мактаб биоларини қуриш, реконструкция қилиш, қайта-қуриш;

в) замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилиши, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тасаввурларини босқичма-босқич бартараф этилиши;

г) умумтаълим мактабларининг малакали педагог кадрлар билан таъминланиши.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг ривожлантирилиши борасида муҳим ўринни ягона шахсдан, оила уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Бу 1994 йилда миллий ҳисоблар тизими методологиясининг қабул этилиши билан боғлиқ бўлиб, илк бор макроиктисодий тузилмаси аҳоли тўлақонли субъект сифатида ўз ўрнини топди. Аҳоли турмуш даражаси, даромадлари, имконияти, истеъмол ва истеъмол талабларининг қондирилиш даражасида объектив талқин этиш муаммоси долзарб саналади. Бу муаммо на назарий ва метадологик томонлама ҳали яхши ўрганилмаган.

Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ таърифловчи кўрсаткичлар методикасини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилишган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш – аҳоли даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитлари, кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон республикасида иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ижтимоий соҳалар тараққиётида ривожланган давлатлар ижобий тажрибалари ҳамда миллий кадриятларимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-маданий соҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш механизми асосида қуйидагилар амалга оширилди:

а) ижтимоий соҳага инвестиция йўналтирилаётган хусусий сектор рағбатлантирилиши керак, шу мақсадда хусусий фирма ва аҳолида алоҳида шахслага солиқ бўйича берилаётган имтиёзлар кенгайтириши, фирма ва алоҳида тадбиркор шахсларга хомашё ва материаллар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилиши лозим, бу тадбиркорларга товар ва хизматларни реклама қилишда имтиёзли таърифларни қўллаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, хусусий фирма ва

корхоналарга давлат буюртмалари берилса, уларнинг даромади кафолатланади, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш йўлларини кенгайтиради;

б) маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнида, маҳаллий манбалардан ташқари умумдавлат солиқларидан – қўшилган қиймат солиғидан, фойда солиғидан, акциз солиғидан, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан фақат вилоят ва шаҳар бюджетларига йил давомида шаҳар бюджетидан молиявий ёрдам сўралмайди, рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди; фуқароларнинг жамоат фаровонлигига бўлган эҳтиёжини қондириш харажатларини давлат томонидан молиялаштиришнинг мавжуд шаклларида бири ҳозирги вақтда иқтисоди ривожланган мамлакатларда кенг тарқалиб бораётган трансферт харажатлари усулидан фойдаланиш самарали натижалар беради;

в) ижтимоий-маданий соҳалар етарлича самарали фаолият кўрсатиш учун давлат ижтимоий-маданий соҳалар тизими билан хизмат кўрсатишнинг хусусий соҳасини қўшиб олиб берилиши керак. Ижтимоий соҳалар харажатларини давлат бюджетидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мумкин;

г) Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш тизими мураккаблашади, уни келгусида такомиллаштириш объектив заруриятдир.

Хуллас, ижтимоий соҳани тараққий эттириш механизми асосида аҳолини сифатий ривожлантириш йўллари кенгайади ва мустаҳкамланади ва бундан аҳолининг барча қатлами манфаатдор бўлади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Аҳоли саводхонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш, унумли меҳнат қилиши, мароқли дам олиши, бўш вақтлардан мазмунли фойдаланишда ва соғлигини тиклашда ижтимоий хизматлар мажмуининг аҳамияти каттадир. Шу боис ҳам Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мутлақо янгича моҳият касб этадиган ижтимоий хизмат тизимини тубдан ислоҳ этиш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини янги поғонага кўтаришни муҳим вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Ижтимоий хизматлар мажмуининг тўла-тўқис амал қилиши, мамлакат равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилиши учун тегишли ҳуқуқий базанинг мавжуд бўлишини тақоза қилади. Ушбу ҳуқуқий база шакллантирилди ва амалиётга жорий этилди. Бу энг аввало Ўзбекистон Республикасининг конституциясида ўз аксини топди. Шу билан бирга ижтимоий хизматлар тизимининг ҳуқуқий базаси босқичма - босқич такомиллаштирилди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий хизматлар мажмуининг ривожланиш тенденциялари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг қуйидаги натижалари билан амалга ошди.

1. Ижтимоий хизматлар амал қилишининг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди.
2. Аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли ижтимоий хизматлар мажмуи ўрнига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг замонавий мақбуллаштирилган ташкилий-институционал тузилмаси яратилди.
3. Ижтимоий хизмат кўрсатувчи муассасалар моддий-техника базаси сезиларли равишда оширилди.
4. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими яратилди.

5. Ижтимоий хизматларни ривожлантириш масалалри давлат сиёсати даражасига кўтарилди.
6. Ижтимоий хизматлар кўрсатишда рақобат муҳити яратилиб, давлат муассасалари қаторида нодавлат сектор шакллантирилди.
7. Ички ва ташқи инвестициялар жалб қилиниб модернизациялаш ва диверсификациялаш ишлари амалга оширилди.
8. Маҳаллийлаштириш ва номарказлаштириш тадбирлари олиб борилди.

Ушбу ислохотлар негизида ижтимоий хизматлар тез ва жадал ривожланиб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва аҳоли бандлигидаги хиссаси ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхиланишида ўрни тобора ортиб бормоқда.

Ижтимоий соҳа мажмуи таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, бандлик хизмати, йўловчи тарнспорти, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари аҳоли турмуш даражасини оширишнинг таркибий қисмига айланиб, сифатли хизматлар кўрсатишда ривожланиш тенденцияларига эга бўлмоқда.

III боб. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

3.1. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг ошишига таъсир этувчи омиллар

Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. “Турмуш даражаси” тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир, ушбу жиҳатлар жам бўлиб, умуман жамият ва хусусан, унинг айрим аъзоларининг фаровонлиги ҳақида тасаввур беради.


Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси, ёки инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёри тушинилади.⁴¹

Аҳоли турмуш даражаси юксалишида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши аҳоли пул даромадларининг ошиши, илмий техник тараққиёт ва унинг сифат жиҳатдан яхшиланиши муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга эҳтиёжларининг шаклланишида ижтимоий хизматлар тизими муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий хизматлар тизими аҳолининг маданий-маърифий савияси юксалишига таъсир этиб, эҳтиёжларининг шаклланишига олиб келади ва ўз навбатида аҳоли турмуш даражасининг ошишига ижобий таъсир этади (3.1.1-расм).

Турмуш даражасининг энг муфассал талқини қуйидагича: турмуш даражаси - бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий–иқтисодий категориядир. Бундай талқин турмуш даражасининг сифат ва миқдор

⁴¹ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси –Т.: «Шарк», 2003. 341 б.

кўрсаткичларини янада тўлиқроқ ифодалашга имкон яратади.⁴² Ўз-ўзидан маълумки, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, кондирилганлик миқёси ижтимоий хизматларнинг кўлами билан узвий боғлиқ. Ижтимоий хизматлар қанчалик яхши ривожланган бўлса аҳоли турмуш даражаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Чунки турмуш сифати концепцияси инсон жамоларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифатини (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик) баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, бахт, қониқиш, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, соғлиқ даражаси оилавий муносабатлари яратувчанлик қобилияти ва ҳоказалардан қониқиш ҳаётдан қониқиш ҳосил қилишнинг муҳим компоненти ҳисобланади.⁴³



3.1.1 - расм. Аҳоли эҳтиёжлари ва турмуш даражасига таъсир этувчи омиллар⁴⁴

Турмуш даражаси аҳоли ҳаёт фаолиятининг маълум бир қирраси ҳақида тасаввур берадиган кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Ушбу

⁴² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: “Меҳнат”, 2004.-443 б.


⁴³ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: “Меҳнат”, 2004.-444 б.

⁴⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

қиррага элитувчи энг самарали йўл ижтимоий соҳа орқали амалга оширилади.

Аҳоли турмуш даражаси мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига мос келувчи ҳаёт шароитларининг йиғиндисидир. Аҳолининг даромадлилик даражаси, инсоннинг камолат индекси шулар жумласидандир.

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг индикаторларига назар ташлайдиган бўлсак уларнинг асосий қисми ижтимоий хизматлар билан узвий боғлиқ. Масалан, саломатлик кўрсаткичлари, билим даражаси, маиший хизматлар ҳажми, аҳолининг маданий даражаси, дам олиш шароитлари, ижтимоий таъминот, ижтимоий маиший вазият ва ҳақозоларни мисол келтириш мумкин. Ушбу индекслар аҳолининг яшаш турмушининг сифат даражасини ифодалайди (3.1.2-расм).



3.1.2-расм. Аҳолининг турмуш сифати индекси кўрсаткичлари⁴⁵

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир.


Шу боис мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади ижтимоий хизматларни

⁴⁵ Муаллиф томонидан тузилган

юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида ижтимоий соҳага мунтазам диққат эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”деб таъкидлади.⁴⁶

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган ва уларнинг энг асосийларини аҳоли даромадлари, иш билан бандлиги, ижтимоий ҳимоя ва аҳолининг ижтимоий маданий камолати жой олган (3.1.3-расм).



⁴⁶ Каримов И.А.”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

3.1.3 – расм. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари⁴⁷

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам кайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда ҳалқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминламоқда. Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа масалаларда имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташқил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Аҳолининг ночор ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ўрганилиб уларнинг манзиллиги кучайтирилмоқда. Уларнинг орасидан кам таъминланганлар, ногиронлар, қўп

⁴⁷ Муаллиф томонидан тузилган

болали оилалар, ишсизлар, нафақахўрлар ва талабалар жой олган. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилдики, бу ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратди.

Аҳолининг барча қатламлари базавий ижтимоий хизматлар, аввало, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига имкониятларини кенгайтириш ва сифатини ошириш муҳим стратегик йўналишга айланди.

Аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига таъсир этувчи омиллар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қураётган Ўзбекистонда энг устувор йўналиш ҳисобланади. Буни ҳар йилги йилнинг номланишидан ҳам билиш мумкин. Шу сабабли аҳоли турмуш даражаси мутассил яхшиланиб ўсиб бормоқда ва ўзининг юқори кўрсаткичлари, аҳолининг ялпи саводхонлик даражаси, умр кўриш давомийлиги, оналар ва болалар ўлимининг камайиши ва кўплаб юқумли касалликларга барҳам берилиши каби сифат кўрсаткичлари билан намоён бўлмоқда.

3.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш инсон омили ривожланишининг муҳим омили сифатида

Кишилиқ жамиятининг тараққиёти натижасида иқтисодий ҳаётнинг субъекти сифатида одам тўғрисида “ишчи кучи”, “инсон омили”, “инсон капитали”, “инсон ресурслари” тушунчалари юзага келди. “Омил” ибораси илмий-иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида пайдо бўлиб, илмий-ҳаётий муомалада кенг фойдаланила бошлади. Ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра мазкур атама “ресурс”дан фарқ қилиб, унга нисбатан анча кенгроқ ва чуқурроқ маънони англатади. Инсон омили ўзаро бир-бири билан муносабатда бўладиган, турли мавқени эгаллаган синфлар ва гуруҳлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти жамиятнинг илғор ривожланишини таъминлайди. Ресурслар омилнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари йиғиндисидан ташкил топган.

Инсон омилига шахсий сифатлар ва унинг фаоллигини белгиловчи кўрсаткичлар умумлашмаси сифатида қараш мумкин. Ушбу тушунча кишининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнидаги ҳал қилувчи ролини кўрсатади. Бунда мазкур омил фақат миқдор кўрсаткичлари, демографик, тармоқ, касб ва малака тузилмалари билан чекланиб қолмай, меҳнатга бўлган муносабат даражаларининг ташаббускорлик, тадбиркорлик, қизиқишлар, эҳтиёжлар, хулқ-атвор усуллари билан ҳам тавсифланади. Омилни тўғри йўналтириш ҳар қандай жамоа ёки жамиятни бошқаришнинг таркибий қисмидир.

Инсон омили ва меҳнат ресурсларининг юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлиши ҳамда такомиллашув натижасида улар капитал кўринишга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат меҳнат потенциалининг бевосита бойиб боришини таъминлайди.

Ҳозирги замонавий шароитларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида инсон омили юзага чиқмоқда. Инсон омилини ўрганиш ва уни мақсадли йўналтира олиш, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш ҳам жамиятга, ҳам корхонага, ҳам оиласига наф келтириши маълум бўлмоқда. Инсон омилини ривожлантириш эса унинг турмуш даражасини ошириш билан кечади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларимиз пировард натижада ягона мақсадга-халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор” – деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.⁴⁸

Кишининг шахсий қобилиятлари (туғма ёки орттирилган) ва уни сифат жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган барча чора-тадбирлар (соғлиқни сақлаш, таълим олиш, касб-хунар эгаллаш, ахборотларга эга бўлиш) натижасида инсон омилининг капиталлашуви рўй беради. Мазкур чора-тадбирлар, яъни, бунда сарфланган пул маблағлари ва қийматликлар моддий харажатларни

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.- Т.: “Ўзбекистон”, 2007, - Б. 46.

сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, уй-жой шароитлари, меҳнат шароитлари, инсон ҳуқуқлари ва маданий-маиший хизматлардан самарали фойдаланиш даражасига ҳамда овқатланиш таркиби ва миқдorigа боғлиқ. Инсон капитали тушунчаси ижтимоий хизматларга бўлган талабни аниқлаб беради.

Инсон омилига киритиладиган инвестициялар соғлиқни сақлаш, умумий ва махсус маълумот олиш, малака ошириш, касбий тайёргарликдан ўтиш, турли ахборот ва маълумотларга эга бўлиш, иш қидириш, миграция, оила қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш билан боғлиқ харажатлар кўринишида бўлиши мумкин. Ушбу харажатлардан энг муҳимлари саломатлик ва таълим учун сарф қилинганларидир.

Давлатнинг илм-фан ва таълимга сарфлайдиган харажатлари, узок муддатли инвестициялар деб қаралиши лозим, улар кейинчалик илмий билимлар, малака ва тажрибалар тарзида фойда келтиради.⁵⁰

Саломатликка, уни сақлашга йўналтирилладиган инвестициялар касаллик ва ўлимнинг олдини олиб, кишининг меҳнатга лаёқатли умрини, инсон капиталининг ишлаш даврини узайтиради. Инсон саломатлигининг аҳволи унинг табиий капитали бўлиб, бутун умр давомида аста-секин" емирилиб боради. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ инвестициялар эса мазкур жараённи янада секинлаштиради.

Умумий ва махсус таълим кишидаги билимлар шаклини яхшилайти, инсон омилининг сифат даражаси ўсишига хизмат қилади. Таълим тизимига киритилладиган инвестициялар малакали мутахассисларни етиштириш ва юқори меҳнат унумдорлигининг юзага келишига шароит яратади, улар эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиёт суръатининг жадаллашувига туртки бўлади.

Инсон омилини фаоллаштириш кўп қиррали муаммо сифатида намоён бўлмоқдаки, унга ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг мураккаб жараёнлари, оила ва мактаб хонаки тарбия, жамиятни жисмоний

⁵⁰ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: "Меҳнат", 2004.- 234 б.

соғломлаштириш, маданий анъаналарни сақлаб қолиш, кадрлар ва ижтимоий сиёсат, таълим ва ҳокозо муаммолар киради.⁵¹

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ижтимоий сиёсат юргизилади. Унинг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий ҳимоясини шакллантиришдир. У асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш-аҳолининг энг кам таъминланган, одатда ўзи мустақил ҳаёт кечиришини минимал даражасини таъминлай олмайдиганларни қўллаб-қувватлаш. Иккинчи йўналиш – меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлашни таъминлаш, давлат меҳнат бозорида барча субъектларнинг тенг ҳуқуқларини эркин касб-ҳунар эгаллашлари, иш-жойи ва соҳасини танлашни кабиларни таъминлашни кафолатлаши керак. Учинчи йўналиш биринчисининг мантиқий давоми – аҳоли бандлигини тартибга солиш. Унга иқтисодий давлат ва нодавлат секторида янги иш жойларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Республикамизда юритилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳоли баркамоллигини таъминлашда юксак ривожланган мамлакатлар даражасига етишишга қаратилган. Мамлакатда ўтказилаётган барча ислохотларнинг пировард мақсади-инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароит яратиш мақсади билан чамбарчас боғланган. “Ислохот-инсон учун” деган туб қоида Ўзбекистонда ислохотнинг “жазава” усулларини қўллашни истисно этди ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаёқ кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан кучли огоҳлантириш чораларини кўриш зарурлигини тақозо қилди.⁵²

Бугунги кунда инсон омили фан-техника тараққиёти жадал кечаётган ва фан сиғими юқори бўлган соҳаларнинг жадал ривожланаётган бир пайтда ҳамда ресурслари ҳаракати доирасида ишлаб чиқаришнинг энг муҳим ва самарали омилига айланиб бормоқда. Инсон омилининг капиталлашуви

⁵¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: “Меҳнат”, 2004.- 230 б.

⁵² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: “Меҳнат”, 2004.- 635 б.

янада кўпроқ наф келтириши мумкинлиги боис турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланишига эътибор қаратилмоқда.

3.3.Ижтимоий хизматлар мажмуи ривожланишининг асосий йўналишлари

Ижтимоий хизматлар мажмуи ривожининг қай даражадалиги маълум маънода мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ҳамда аҳолининг умумий кайфиятини белгилайди. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг ўсиши мамлакат ҳудудларнинг умумий иқтисодий тараққиёт даражасини ифодаловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини, барқарор иқтисодий ўсишни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва аҳоли турмуш даражаси фаровонлигини таъминлаши ва бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг меҳнат қобилиятини ривожлантириши, моддий ва маданий ишлаб чиқаришни ўстириш мумкин. Шу жиҳатдан аҳоли турмуш даражаси аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган ижтимоий хизматлар миқдори ва турли туманлиги орқали белгиланади.

Фан-техника тараққиётининг таъсири остида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси тез ривожланиб, кўрсатилаётган хизмат хажми ва сифати - жамият иқтисодий тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланмоқда. Чунки кейинги пайтларда аҳоли турмуш даражасини фақат унинг даромадларининг ўсиши ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланганлиги билан белгилаб бўлмайди. Аҳоли турмуш даражаси маънавий ва маданий эҳтиёжлар, ҳар хил турдаги сифатли хизматлардан фойдаланиш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ва мароқли дам олиш, жисмоний ва ақлий етуклик каби сифатлар билан тавсифланмоқдаки, зеро уларсиз юксак турмуш фаровонлигига эришиб

бўлмайди. Шунингдек, ижтимоий хизматлар инсоннинг кундалик турмушининг бир қисмига айланиб, уларнинг жамият олдидаги вазифаларини бажаришда ва иш жойларида меҳнат самарадорлигига эришишларида асосий омил бўлмоқда. Шу боис бу соҳасиз мамлакат иқтисодиёти ривожини ҳам комил инсон тимсолини ҳам тасаввур қилиб бўлмай қолди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилган.⁵³

Мамлакатимизда ислохотларнинг дастлабки даврдан бошлаб ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тараққиётнинг ўзбек модели – биз танлаган стратегик йўлнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири ҳам унинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш масаласини етакчи ўринга қўйгани билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, ўзбек моделининг ўзаги – рационал мағзини ташкил этадиган машҳур беш тамойилдан бири ҳам айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб боришни назарда тутди. Чунки аҳоли турмуш даражасини ошириш ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонда ушбу масала амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнги йилларда ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Ижтимоий хизматлар таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – ахборот-коммуникация хизматлари ҳамда замонавий маиший хизматлар ҳисобига такомиллашиб бойиб бормоқда.

Аммо фикримизча, ижтимоий хизматлар тизими юқори ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда айрим камчиликлар мавжудлигини

⁵³ Қосимова Г. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда давлат харидининг аҳамияти // Молия ва бюджет.- Тошкент, 2011. -№1

биламиз. Буларнинг энг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида ижтимоий хизматлар имкониятларидан кам фойдаланилмоқда;
- бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий хизматлар мажмуининг айрим тармоқларида хусусий секторнинг ривожланиши суғ кечмоқда ва рақобат муҳити шаклланиши қийин кечмоқда;
- ижтимоий хизматлар тизими асосан давлат бюджетидан молиялаштирилиб, бюджетдан ташқари молиялаштириш тизими етарли даражада эмас. Бу ҳол боқимандалик кайфиятини келтириб чиқармоқда ва моддий-техника базанинг янгиланишида қийинчилик туғдирмоқда;
- ижтимоий хизматларни ташкил қилишда ва хизмат кўрсатишда аҳоли диди ва талаби батафсил ўрганилмаётганлиги;
- аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланишида уларнинг жойлашуви, сифати ва нархи ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги, фаолиятининг янада кенгайишига тўсқинлик қилмоқда ва ҳақозо.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва аҳолининг сифатли хизматлардан баҳраманд бўлишларини таъминлашда ижтимоий мажмуани ривожлантиришнинг мақсадли фаол дастурларини амалга оширишнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши керак:

- бозорда рақобатбардош хизматлар кўрсатишни таъминлайдиган замонавий юқори унумли техник жиҳозлар ва технологиялар билан таъминланган хизмат кўрсатишларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш;
- тадбиркорларнинг замонавий ижтимоий хизматлар ҳақидаги базасини кенгайтириш;

- бозорнинг конъюктурасига тез мослаша оладиган, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳажми бўйича унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш;
- давлат секторида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларнинг тадбиркорлик билимларини ошириш;
- хизмат кўрсатувчиларнинг хизмат маданиятини ошириш ва ҳакозолар.

Миллий иқтисодиётнинг асосий муаммоларига фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Шундан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи бозор муносабатларига ўтишнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Ижтимоий соҳалар фаолиятининг самарадорлиги унинг барча асосий таркибий қисмларининг комплекс ривожланишига боғлиқ.⁵⁴ Шу боис ижтимоий соҳада олиб борилаётган энг аввало ислохотлар қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши лозим:

- 1). Ҳар бир инсоннинг, инсон тараққиёти билан боғлиқ бўлган таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа шу каби ижтимоий хизматлардан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар тизимини кенгайтириш;
- 2). Аҳолининг ночор ва кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳини аниқ ва манзилли, мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини барқарорлаштириш;
- 3). Аҳолининг қариганида, соғлигини ва меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганида даромадлари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш;
- 4). Аҳолининг турар жойларга, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг хизматларига ҳамда маданият, санъат, спорт ва

⁵⁴ Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: “Молия”, 2004.-Б. 104.

бошқа шу каби ижтимоий хизматларга бўлган талабларини мунтазам эътиборга олиб бориш;

5). Ижтимоий-маданий институтларнинг ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ҳақозо.

Ҳозирги вақтда республикамизда аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишни унинг доимий яшаш ва иш жойига яқинлаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш борасида катта ишлар қилинаёпти ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб изчил ислоҳотлар олиб борилаяпти. Ижтимоий-маданий хизматларни ривожлантиришга айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланишига кўплаб давлат ва нодавлат корхоналари жалб қилинган. бу эса ўз навбатида қишлоқ жойлардаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш имконини беради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда⁵⁵.

Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган ва ташкилий ҳуқуқий асослари изчил такомиллаштирилмоқда. Бу эса келгусида аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш билан бирга турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади.

⁵⁵ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

Учинчи боб бўйича хулосалар

Аҳоли турмуш даражаси деганда – аҳоли яшаш шароитларининг сифат кўрсаткичлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёри тушинилади. Бошқача айтганда, истеъмол миқдори ва сифатини англатади.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси кўп жиҳатдан ижтимоий хизматлар миқдори ва сифати билан боғлиқ бўлиб, “Турмуш сифати индекси”да ўз ифодасини топади. Турмуш сифати индекси ижтимоий соҳанинг қуйидаги кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади:

1. Соғлиқни сақлашдаги аҳвол.
2. Таълим даражаси.
3. Ўртача яшаш ёши.
4. Аҳолининг иш билан бандлиги.
5. Сиёсий ҳаётга йўл берилиши.

Турмуш сифати индексини ошириш мақсадида ижтимоий сиёсат юргизилади. Ижтимоий сиёсатдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, ишсизлар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиши таълим олиши, тиббий хизматлардан фойдаланиш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ва маданий маиший хизматлардан фойдаланиш оқибатида инсон омили шаклланади ва ижтимоий хизматлар доирасида инсон капиталига айланади. Инсон капитали инсоннинг жисмонан бақувватлиги, билими ва тажрибаси

билан аниқланади ва у қанчалик юқори бўлса жамиятга шунчалик фойда келтиради.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий - маиший хизматларга йўналтирилган маблағлар инсон капиталига йўналтирилган инвестициялардир.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш инсон омилини ривожлантиришнинг муҳим ва зарурий шартидир. Бир томондан кишиларнинг онгини ошириб эҳтиёжларнинг шаклланишига, иккинчи томондан билимли ва соғлом инсонларни шакллантириб жамиятнинг ривожланишига замин яратади.

Бугунги замонавий шароитларда ижтимоий хизматлар инсоннинг кундалик турмушининг бир қисмига айланиб, уларнинг камол топишида, мароқли дам олиши ва иш жойларида меҳнат самарадорлигига эришишларида асосий омил бўлмоқда. Шу боис бу соҳа тараққиётсиз мамлакат иқтисодиёти ривожини ҳам комил инсон тимсолини ҳам тасаввур қилиб бўлмай қолди.

Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар мажмуини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир инсоннинг бепул тиббий хизмат ва таълим хизматларидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- ишсизлар ва аҳолининг ночор қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш;
- аҳолининг даромадлари ва уй-жой билан таъминланишини инобатга олиш;
- аҳолининг уй-жой коммунал хўжалиги ва маданий маиший хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш ва ҳакозо.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уларнинг кўлами тобора кенгайтирилимоқда ва аҳолининг сифатли хизматлардан фойдаланишлари учун зарурий шарт-

шароитлар яратилмоқда. Бу ҳол аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига сабаб бўлиб, умр кўриш давомийлигининг ўсишига, саводхонлик даражаси ва уй-жой билан таъминланиш жиҳатдан кўплаб мамлакатларни ортида қолдирмоқда.

Хулоса

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли турмуш даражасининг ошишида ижтимоий хизмат соҳаларининг амал қилиш механизмини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланиш натижалари асосида қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. ижтимоий хизматлар соҳаси инсон омилини ривожлантиради, шахс сифатида шакллантиради ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаради, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ва сақлашга хизмат қилади.

2. Ижтимоий хизматлар соҳасининг шаклланиши ва такомиллашуви, бир томондан ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига, иккинчи томондан аҳолининг яшаш турмуш шароитларининг яхшиланишига ва иш билан бандлиги ҳамда даромадларининг ошишига, учинчи томондан иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига имкон беради.

3. Ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти, аҳоли таркибида тадбиркорлик ва ишбилармонлик туфайли тўлов қобилиятига эга бўлганлар сонининг ортиб бораётганлиги ва замонавий хизматларга бўлган талабнинг шаклланаётганлиги, фан сиғимкорлиги юқори тармоқларнинг ривожланаётганлиги, меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигидан бўшатилаётганлиги ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилинаётганлиги, мамлакатнинг жаҳон билан интеграциялашаётганлиги, аҳоли турмуш даражасини ошириш ижтимоий

хизматлар билан узвий боғлиқлиги каби омиллар билан тавсифланади.

4. Ижтимоий хизматлардан барчанинг манфаати кўзланади ва барчага бирдек кўрсатилиб унинг ривожланиши инсон тафаккури ва эҳтиёжининг шаклланишига хизмат қилади. Ўз навбатида ривожланган ижтимоий хизматлар тизими мамлакат иқтисодиётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Ишда юқорида келтирилган хулосалардан ва олинган натижалардан келиб чиқиб қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Миллий иқтисодиётда рақобатбардош хизматлар кўрсатишни таъминлайдиган замонавий юқори унумли техник жиҳозлар ва технологиялар билан таъминланган хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш керак;

2. Ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий хизматлар кўрсатмоқчи бўлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, маслаҳатлар бериш, илғор тадбиркорлик ғояларига эга бўлганларнинг фикрини ўрганиш ва замонавий ижтимоий хизматлар ҳақидаги билимлар базасини кенгайтириш лозим;

3. Бозорнинг конъюктурасига тез мослаша оладиган, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳажми бўйича унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш керак;

4. Ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат секторида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларнинг тадбиркорлик билимларини ошириш ва бюджетдан ташқари молиялаштириш тизимини кенгайтириш лозим;

5. Аҳолининг турар жойларга, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг хизматларига ҳамда маданият, санъат, спорт ва бошқа шу каби ижтимоий хизматларга бўлган талабларини мунтазам эътиборга олиб бориш зарур;

6. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини аҳолига максимал яқинлаштириш ва хизмат кўрсатувчиларнинг хизмат маданиятини ошириш керак;

7. Ижтимоий соҳа муассасаларда кўрсатилаётган хизматлар хажмини кўпайтириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли талабини тўлароқ қондириш мақсадида тадбиркорлар ва истеъмолчилар ўртасидаги шартнома тизимини такомиллаштириш, ҳар иккала томон маъсулиятини оширади ва ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг таъсирчан механизми ҳаракатини таъминлайди.

Юқорида берилган илмий таклиф ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш, биринчидан, ижтимоий соҳани ислоҳ қилишга, иккинчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳамда мамлакат иқтисодиётининг ривожига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент, «Ўзбекистон» 2003, 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, “Шарқ”, 2001.-Б. 4-6.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, “Шарқ”, 2001. – Б. 19-21-29.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2002 йил 26 февраль

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони, 2003 йил, 26 февраль

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида» ги фармони, 2004 йил 21 май

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2005 25 ноябрь

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобил транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори, 2006 йил 9 март

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 2006 йил 17 апрель.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. 2007 йил, 19 сентябрь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» ги қарори, 1998. 10 ноябрь

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқлари ижтимоий инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори, 1996 йил 21 май

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

4.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида –Т.: «Ўзбекистон», 1995. 267 б.

4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т: “Ўзбекистон”, 1999. – 32.

4.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 48 б.

4.4. Каримов И. А. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б

4.5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.//«Халқ сўзи» газетаси, 2011 22 январ

4.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 56 б

4.7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 440 б

4.8. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 56 б

4.9. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир.-Т: Ўзбекистон, 2013.- 51 б.

4.10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

4.11. Каримов И.А.”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

V. Китоб ва рисоалар

- 5.1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Т.: “Меҳнат”, 2004. 672 б.
- 5.2. Абулқосимов Ҳ. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари –Т.: «Молия», 2005. 225 б.
- 5.3. Бернар И, Колли Ж. Толковый-экономический и финансовый словарь. В 2т./ Пер. фр. М.: Международные отношения, 2004, Т2. –Б.522.
- 5.4. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар - Т.: «Шарқ», 2003. 320 б.
- 5.5. Жильцов Е.Н. Ломанова П.Н. Развитие отраслей социальной сферы в переходной экономике М.: «ТЕИС» 2001. 276 с.
- 5.6. Жильцов Е.Н. Ломанова П.Н. Социальная сфера в рыночных условиях -М.: «ТЕИС» 2004. 231 с.
- 5.7. Гуломов С.С, Убайдуллаева Р, Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон – Т.: «Тошкент ислом университети», 2003. 296 б.
- 5.8. Игнатов В.Г. Батурин Л. А. и др. Экономика социальной сферы М.: «Март», 2005. 527 с.
- 5.9. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. -Т.: ТДИУ. 2005. – Б.135.
- 5.10. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт –Т.: «Молия», 2004. 208 б.
- 5.11. Расулов М.Р. Бозор иқтисодиёти асослари Т. : «Ўзбекистон», 1999. 384 б.
- 5.12. Рахимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004. 128 б.
- 5.13. Рахмонқулов Ҳ. Жураев Б. Бизнес ва тадбиркорлик сирлари. (Бозор иқтисодиёти терминлари).-Т.: «Ғафур ғулом», 2002. 400 б.
- 5.14. Саидов К.С. ва бошқалар. Социал иқтисодиёт-Т.: «Ўзбекистон», 2006. 365 б.
- 5.15. Саидов М.Х, Насриев И.И. ва бошқалар Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати.-Т: “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007. -Б. 436.
- 5.16. Слезингер Г.Э. Социальная экономика-М.: «Дело и сервис», 2001. 360 с.

5.17. Тўхлиев Н. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодий асослари -Т.: «Ўзб. Мил. Энцикл», 2006, 280 б.

5.18. Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Мерос», 2004. 400 б.

5.19. Солиев А.Хўжахонов Х. Ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисоди.-Т.: “Меҳнат”, 1999, 252 б.

5.20. Хашимов П. З. Экономика социальной сферы.-Т.: «Университет», 2002. 210 с.

5.21. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Шарқ», 2003. 416 б.

VI. Илмий мақолалар

6.1. Ҳасанов Р. Хўжаев Ҳ. Иқтисодий ўсишда инсон омили //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2007. - №5.

6.2. Қосимова Г. Ижтимоий соҳаларни молиялаш жараёнларини эркинлаштириш //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2005. - №2.

6.3. осимова Г. Ижтимоий соҳаларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда давлат харидининг аҳамияти // Молия ва бюджет.- Тошкент, 2011. -№1

6.4. Санаев Ф. Изчил ислохотлар, юксак самаралар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. – // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил, 9 ноябрь.

VII. Статистик тўпламлар

7.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011- 2015 йилларга мўлжалланган прагнозлар: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011й.